

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Dashtobod paxta tozalash" AJ

Объявление

"DASHTOBOD PAXTA TOZALASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ДАШТОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ АЖ

БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

"ДАШТОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ" АЖ ТАЪСИСЧИЛИГИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН "JUICY APPLE" МЧЖ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИ БОЗОР БАҲОСИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА БАҲОЛАШ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ УЧУН МУСТАҚИЛ БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ЭЪЛОН !!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори ва "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш белгиланганлиги ва Ўзбекистон Бош Вазири томонидан 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сон билан тасдиқланган "Ўзпахтасаноат" АЖни тугатиш бўйича "Йўл харитаси"да "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активларини (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлар) олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларни таклифлари асосида объектларнинг бошланғич нархини шакллантириш мақсадида, "Даштобод пахта тозалаш" АЖ таъсисчилигида ташкил қилинган "JUICY APPLE" МЧЖдаги 92,32 фоиз улушини бозор қийматларида баҳолатиш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси, бунда суғурта суммаси 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлиши керак;
- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Баҳоланган корхоналар рўйхати;
- Баҳоловчи ташкилотлар уюшмасига ёки Баҳоловчилар жамиятига аъзолиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини 2023 йил 11 декабрга қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Зомин тумани, Даштобод шаҳри, Пахтакор МФЙ, Пахтакор кўчаси 1-уй.

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 521-71-30, (+99890) 538-09-07, (+99872) 382-11-01.

06.12.2023

07.12.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16557/>

Дата: 07.05.2026